

Аҳли суннат ва жамоатнинг сулук ва хулқ-атвордаги хусусиятлари

Абдурраҳмон ибн Солих Ал-

Махмуд

Ушбу мақолада қўйидаги мавзулар
ҳақида баҳс юритилади: - Хулқ
атворнинг мусулмон одамдаги
аҳамияти; - Аҳли суннатнинг сулук
ва хулқ атвордаги хусусиятлари; -
Адашган оқимларнинг сулук ва
аҳлоқдаги манҳажлари; -Аҳли

суннат ва жамоатнинг ахлоқ ва унинг аҳамиятини баён қилишга аҳамият бериши; - Мўминлар ажралиб турадиган ахлоқ асослари;

- Ислом динидаги ахлоқ асослари;

Мусулмон ва аҳли суннат имомлари ажралиб турадиган муҳим ахлоқий сифатлар; - Мўминнинг сулуки ва ахлоқидаги ижобий аломатлар.

<https://islamhouse.com/438203>

- Аҳли суннат ва жамоатнинг сулук ва хулқ-атвордаги хусусиятлари
 - Бисмиллаҳир роҳманир роҳим
 - Хулқ атворнинг мусулмон одамдаги аҳамияти
 - Аҳли суннатнинг сулук ва хулқ атвордаги хусусиятлари
 - Адашган оқимларнинг сулук ва ахлоқдаги манҳажлари
 - Аҳли суннат ва жамоатнинг ахлоқ ва унинг аҳамиятини баён қилишга аҳамият бериши

- Мўминлар ажралиб турадиган ахлоқ асослари
- Ислом динидаги ахлоқ асослари:
- Биринчи асос: Оллоҳ таолога иймон келтириш
- Иккинчи асос: Ният
- Учинчи асос: Ахлоқнинг вахийдан бўлган далилга боғланиши
- Мусулмон ва аҳли суннат имомлари ажралиб турадиган муҳим ахлоқий сифатлар:
- (Биринчи сифат: ростгўйлик)
- Иккинчи сифат: Тавозе

- Уичи сифат: Сўзни ишга боғлаш
- Тўртинчи сифат: Адолат
- Бешинчи сифат: Ҳаё
- Олтинчи сифат: Жасорат
- Мўминнинг сулуки ва ахлоқидаги ижобий аломатлар

Аҳли суннат ва жамоатнинг сулук ва хулқ-атвордаги ҳусусиятлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир...
Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амаллари- мизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган

одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

Оллоҳим, биз Сендан ҳидоят, такво, поклик, беҳожатлик ва гўзал ахлоқ сўраймиз!

Оллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи билан мусулмон хулқ ва атвор борасида (**бошқалардан**) ажралиб турадиган айrim хусусиятларни баён қиласиз.

Хулқ атворнинг мусулмон одамдаги аҳамияти

Биз хулқ ва атвортар мавзуси
аҳамиятининг ҳаётдаги ўрни
хусусан мусулмон – Оллоҳ йўлига
даъват қилаётган даъватчига
нисбатан эса ўта муҳим эканини
биламиз. Чунки мусулмон одам
хаётидаги хулқ атвортар, аслида,
Роббисига, хонадонидагиларга,
атрофидаги мўминлар ва бошқа
динга мансуб ғайри муслимларга
боғлиқ бўлади. Одамзот қанча ахлок
соҳиби бўлса, Оллоҳ таоло унинг
даражаларини шунча кўтаради.

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам бу ҳақда:** «Банда гўзал хулқи
 билан (кундузлари) рўзадор, (тунла
рини таҳажжуд билан) қоим қилган

одамнинг мартабасига эришади», – деганлар. (Абу Довуд, 4798). Қанча хулқлар борки, эгасини Оллоҳнинг даргоҳидаги баланд мартабаларга кўтаради. Мўмин ажралиб турадиган қанча хулқлар борки, битта шахс ёки битта халқнинг ҳидоятига сабаб бўлган!

Ахлоқнинг катта аҳамияти бор. Шу боис, ушбу баҳс ахлоқ асослари ва мўмин покланиши керак бўлган исломий ахлоққа зид нарсаларни баён қилиш асносида амалга ошмоқда.

Аҳли суннатнинг сулук ва хулқ атвوردаги хусусиятлари

Ушбу сарлавҳа атрофида баъзи мулоҳазалар бор:

Биринчи мулоҳаза: Биз «хусусиятлари» деганимизда мўмин ажралиб турадиган умумий сифатларни назарда тутамиз ва уламолар тил ва қаламга олган беадад ахлоқ масалаларини назарда тутмаймиз.

Иккинчи мулоҳаза: «Аҳли суннат» деганимизда эса, муайян гурӯҳга хос бўлган хусусиятларни назарда тутамиз. Ундан мақсад, аҳли суннат уламо ва имомлари ажралиб турадиган хусусиятлардир. Ҳолбуки, эътиқод, ахлоқ ва сулук

нуктаи назаридан аҳли суннат ва жамоат йўлида юрган ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга издош бўлган ҳар бир мўмин ва мўмина, муслим ва муслималарнинг ҳам аҳли суннат эканида ҳеч шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам, «аҳли суннат» ёки «мўминнинг сифатлари» деганимизда, ҳар иккисидан бўлган мақсад биттадир. Фақатгина, биз аҳли суннатнинг хусусиятлари, яъни, аҳли суннат даъватчилари, имомлари ва аҳли суннатни мудофаа қилаётган раҳимахумуллоҳлар ажралиб турадиган сифатларни назарда

тутамиз. Оллоҳ таоло бизларни ҳам уларнинг йўлларидан юрадиган издошлар қаторида қилсин!

Учинчи мулоҳаза: Сарлавҳада «сулук ва хулқ атворда» дейилган. Бу, хос нарсани умумий нарсага атф қилиш – боғлашдир. Чунки, сулук ва ахлоқ бир-бирининг ичига киргандир. Агар «сулук» сўзининг ўзи истеъмол қилиниб: «Фалончининг сулуки яхши» дейилса, унинг ичига ахлоқ ҳам киради. Шунингдек, «хулқ» ёки «ахлоқ» сўзлари ёлғиз истеъмол қилиниб: «Фалончининг ахлоқи гўзал» дейилса, унинг ичига сулук ҳам киради. Агар ҳар иккиси ҳам

бирга истеъмол қилинса, сулук ахлоқдан кўра умунийроқ бўлади. Чунки ахлоқ, инсон олган хулқлар бўлиб, унинг учун яралгандир. Сулук эса ахлоқниң барча тарафларини ҳам, инсон ҳаётидаги бошқа ишларни ҳам ўз ичига олади. **Гоҳида эса:** «Сулук ҳам ахлоқ бобига киради» дейилади.

Адашган оқимларниң сулук ва ахлоқдаги манҳажлари

Ахлоқ ҳақида ёзилган китобларни кўп ўқиймиз. Ахлоқ ҳақида ёзилган ушбу китоблар олинган манбалар хилма-хилдир. Хўш, бу китобларниң қайси бири бу

мавзуда аҳли суннат ва жамоат манҳажига мувофиқдир?! Биз бу ерда шуни баён қилмоқчимиз. Чунки ҳаётда ахлоқ бобида аҳли суннат ва жамоат манҳажига зид йўл ва манҳажлар бор. Улардан баъзилари фалсафий манҳаждир. Фалсафий манҳаж, хулқни ақлий ёки фақатгина моддий ришталар билан боғлайди. Бу манҳажларнинг яхши ва ёмон ахлоқларни ақлга боғлашаётганига шоҳид бўламиз. Бу, зўрликдир! Аҳли суннат ва жамоатнинг ахлоқда боғланган манбаси, шариатдир. Шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки,

шариатнинг соғлом ақлга қарши келиши ҳеч мумкин эмас.

Айрим манҳажлар ахлоқ ғоясининг лаззатланиш эканини талқин қиласи. Бу ҳам мавжуд ақлий манҳажлардир. Айрим даъватчилар ахлоқсизлик дарғалари бўлишса, бошқалари ахлоқнинг пойдевори – манфаат эканини иддао қилишади. Бу, ғарбликларнинг ахлоқидир.

Мазкур ахлоқлар диний пойдеворга эмас, манфаат пойдеворига асосланади.

Ичимидан кўпчиликнинг ғарбликларнинг савдо-сотикларида ростгўйлик билан

сифатланишларидан ҳайратланишлари таажжуб- лидир. Чунки улар бу сифат фақатгина моддий сифат эканини, бу билан улар нақд манфаатни мақсад қилишини билмайдилар. Чунки, ғарблик күпроқ даромад қилиш учун түғри сўз бўлади ва ёлғон гапирса расвоси чиқиб, тижорати касодга учрашини яхши билади.

Бу ерда ахлоқнинг бошқа манҳаж – инсонни гўшанишинликка тарбия қиласиган тасаввуф манҳажи ҳам бор. Бунинг сабаби эса, ўша манҳаж асосида янги мутасавифни жалб қилиб, сафларга қўшишдир. Ушбу хулқ эгалари ахлоқнинг асоси дунё

ҳаётидан узилишдир, деб тушунадилар. Яъни, у, сизнинг одамлар билан аралашмаслигингиз, Оллоҳ йўлига чорламас- лигинги, бу борлиқни Оллоҳ иромда қилганидек мўминларга ёрдам ва қувват бўлиши ҳамда Оллоҳ йўлида кураш ва одамларни Оллоҳнинг динига чорлаш учун обод қилишга ҳаракат қилаётган кимсалар билан бирга бўлмаслигингиздир. Бошқача қилиб айтсак, бу манҳаж одамларни гўшанишинлик каби тор муҳитга чеклаб қўяди.

Демак, бу – нотўғри манҳаждир. Шу боис, ахлоқ ва сулук бобидаги исломий ва аҳли суннат ва жамоат

раҳимаҳумуллоҳларнинг
манҳажларини баён қилишимиз
керак.

Аҳли суннат ва жамоатнинг ахлоқ ва унинг аҳамиятини баён қилишга аҳамият бериши

Учинчи мавзуу: Аҳли суннат ва жамоатнинг ушбу ахлоқ ва унинг аҳамиятини баён қилишга берган эътибори, улар манҳажининг муҳим асосларидан бири эканидир.

Аҳли суннат ва жамоат, уларнинг бошида ўрнак раҳбар ва пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кейин сахобалар ва улардан кейин эса

тобиинлар бизга бу ахлоқни баён қилиб, шарҳлаб бердилар.

Шунинг учун ҳам, Оиша разияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқи ҳақидаги саволлариға берган жавобларида одамларни ахлоқнинг асосий манбасига қайтариб: «Унинг хулқи Қуръон бўлган эди», деган эдилар. (Имом Аҳмад, ۲۰۱・۸).

Демак, бу гапнинг мазмуни шундан иборат: ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқини ўрганмоқчи бўлса, Қуръонни маҳкам ушласин! Шундагина, у, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам ахлоқининг тафсилотларини билиб олади. Кейин эса ундан ўрнак олсин! Чунки, Расулуллоҳ энг олижаноб ахлоқларга эга бўлганлар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Олим ва муҳаддис
раҳимаҳумуллоҳлар Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламниңг
суннатларини девон шаклига
келтирдилар ва девонларида ахлоқ
ва сулукни баён қилишга ҳам катта
эътибор бердилар.

Улар ақийда ва шаръий аҳкомларни
девон қилишганидек ахлоқ ва
сулукни ҳам ёзишиб, уларни турли
боб ва фаслларга ажратишиб, улар

ҳақида келган ҳадис ва ривоятларни эслатиб ўтдилар. Сиз суннатлар ёритилган қайси китобга қараманг, бу бобларнинг фасл ва ахлоқларни баён қилишга хосланганини кўрасиз. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ ўз «Саҳиҳ»ида “Адаб китоби”, “Рақоик китоби” ва “Зухд китоби” каби бўлимларни қайд этган бўлсада, «Саҳиҳ» ҳадислар девонидан бошқа «Китабул адабил муфрад» (Одоб ҳақидаги айри китоб)ни ҳам таълиф этган. Чунки у, «Саҳиҳул Бухорий»дан айри китобдир.

Бу, Имом Бухорий раҳимаҳумуллоҳнинг ушбу муҳим

мавзуга катта эътибор берганини кўрсатмоқда. Чунки бу, мўминнинг, даъватчининг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларини англаган одамнинг ҳаётидаги асосий мавзулардан биридир.

Шунингдек, Имом Муслим, «Сунан» ҳадис девонлари муаллифлари, бу мавзу ҳақида Имом Бухорий, Имом Муслим ва «Сунан» ҳадис девонлари муаллифлари каби ёхуд Имом Аҳмад, Табароний ва бошқалар сингари «Муснад» ва «Мўъжам» муаллифлари каби бобларга айирган уламолар ҳам, ўз китобларининг

саҳифаларида фазилатларга тааллукли ҳадисларни зикр қилғанлар.

Шунингдек, уламолар ҳам буни баён қилиб, одоб, зухд, ракоиқ ва бошқа нарсалар ҳақида асарлар ёзиб, мўминга вожиб бўлган ахлоқларни таълиф этдилар. Яхши билишимиз керакки, биз ахлоқ ҳақида тафсилотли гапириб ўтирумаймиз. Фақатгина, аҳли суннат ва жамоат бу ахлоқларнинг асосларини кўрсатиб, баён қилиб бергани, ҳатто, машҳур муҳаддислардан бири бўлган Ибн Абид Дунё раҳимаҳумуллоҳ икки юздан ортиқ ҳадис бўлимларини

тўплаганини эслатиб ўтишимизнинг ўзи кифоядир. Бу бўлимлар «Ахлоқлар боби», «Тавозе боби», «Хомушлик боби», «Сухбатдошлиқ боби», «Ростгўйлик боби», «Мактov (тазкия) боби» ва бошқа бобларда мавжуддир. У, бу бўлимларда марфуъ даражасидаги ҳадислар ҳамда сахоба, тобиин ва улардан кейингиларнинг осорларини тўплаган. Ҳолбуки, бу бобларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатлансада заифлик гумони бўлган, тадқиқот ва текширишга муҳтож бўлган марфуъ санадли ривоятлар ҳам бор.

Мўминлар ажралиб турадиган ахлоқ асослари

Биз барчамиз яхши биламизки, инсон салаф солиҳнинг ҳолатлари, муомалалари ва осорларига назар ташласа, уларнинг ахлоқли ва одобли бўлганини ҳамда бу одоб ва ахлоқлари одамларнинг муҳаббатига, таъсирланишига ва одамлар орасида яхшиликлар ва Оллоҳ динининг ёйилишига, ботил ва хурофотларни ёяётган одамларга қарши курашишга сабаб бўлганини кўради. Чунки, уларнинг ахлоқи Оллоҳнинг Китоби ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига асосланган исломий

ахлоқ бўлган, шунинг учун ҳам бу ахлоқ уларни таъсир қиласиган ва яхшилик билан тилга олинадиган қиласиган эди. Иш бунгагина чекланмади, балки, улар қабрларида ётсалар ҳам, (ташлаб кетган мерослари билан) бошқаларга таъсир ўtkаза бошладилар.

Инсон имомлардан бирининг тутган ўрни ёки ҳикоясини ўқир экан, ўша онда таъсирланади. Баъзида кўзларидан ёшлар қуйилади. Ҳолбуки, у имом ўлиб кетган! Бунинг сабаби эса ўша имомлардаги ахлоқдир. Улар ўзлари билан Оллоҳ ўртасидаги ахлоққа содик қолган эдилар.

Ислом динидаги ахлоқ асослари:

Салаф солих ва ҳар бир мўмининнг ахлоқи қуидаги асосларга асосланган дастурга кўра бўлиши керак:

Биринчи асос: Оллоҳ таолога иймон келтириш

Бу, ўта муҳим асосдир. Чунки одамзот ушлаган ҳар қандай ахлоқ иймонга асосланмас экан, бу хулқ унга фойда бермайди. Бу ахлоқ худди кофирларнинг ахлоқи каби ўша ондагина фойда бериб, келгусида фойда бермайди. Чунки Оллоҳ таоло кофирлар ҳақида шундай деган:

﴿وَقَدْمَنَا إِلَىٰ مَا عَمِلُوا مِنْ عَمَلٍ فَجَعَلْنَاهُ هَبَاءً مَنْثُورًا﴾

«(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз». (Фурқон: ۲۳).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Бирор ҳамият учун, бирор қаҳрамонлигини кўрсатиш учун ва яна бирор ўлжа учун жанг қилмоқда. Буларнинг қайси бири Оллоҳнинг йўлида (жиход қилаяпти)? – дея савол берилганида: «Ким Оллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун жанг қилса, ўша Оллоҳнинг йўлидадир», – деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий, ۱۲۳).

Сиз ўртадаги фарққа қаранг! Буларнинг бири жангга кирайпти ва оммавий ахборот воситалари уни ёритиб, китоблар унинг қўмондонлиги ва жасорати ҳақида ёзаяпти. Аммо, бу хулқ кофирдан келаяпти. Оллоҳга ишониш ва унга ихлос қилишга асосланмаган ҳар қандай амал ва хулқнинг охиратда биронта ҳам самараси ва таъсири бўлмайди. Унинг фақатгина (**бу дунёдаги**) нақд манфаати бор, холос. Ғайри муслимлардаги барча хулқнинг ҳоли шудир. Мўминлар эса Оллоҳга келтирилган иймон пойдеворига асосланган ахлоқ билан безанадилар. **Шунинг учун ҳам**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам саҳих

ҳадисларида: «Унутманглар, инсон
танасида бир парча гўшт борки, у
тузалса тана бутунлай тузлади, у
касалланса бутун тана касал бўлади.
Огоҳ бўлинглар, у –
қалб (юрак)дир!» – деганлар. (Имом
Бухорий, ۱۰۲).

Оллоҳга иймон келтириш, ихлос
қилиш ва Оллоҳни тасдиқлаш билан
боғланган қалб, инсонни
аъзоларида, тилида, оёқлари ва
қўлларида шу иймонга очик
манҳажда бўйинсунишга олиб
боради. Чунки, у қилаётган ишлари
билан Оллоҳ таолони қасд қиласди.

Бу – кофирлар ахлоқи билан, мўминлар ахлоқи ўртасидаги фарқдир. Бу – ўз динига қатъий риоя қилган мўминнинг хулқи билан, ахлоқи бўлсада ахлоқи билан Оллоҳни қасд қилмаган (**Ҳақ йўлдан**) оғган одамнинг ахлоқидир.

Иккинчи асос: Ният

Яъни, мўминни қилаётган барча ишлари – муомаласи, гаплари, ишлари, ҳаракатлари, инфоқи, жиҳоди, сафари ва бошқа ишларини ниятга боғлаб қилаётгани ва хулқ эгаси бўлаётганини кўрасиз. **Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:** «Амаллар ниятга кўра

бўлади. Ҳар бир кишига ният қилган нарсаси (**бўлади**)», – деганлар.

(Имом Бухорий, ۱). Шу боис бўлса керак, салаф раҳимаҳумул-лоҳлардан бирининг қўққисдан бирон иш рўй берса унга бирдан киришмагани, **балки**: Ният қилишим учун бир оз муҳлат беринг! – деганларини кўрамиз.

Бу – амаллари билан Оллоҳни қасд қилган мўминлар билан, ғайримўминлар ўртасидаги фарқлардан биридир. Фарқ, ниятдадир.

Кофирнинг гоҳида ўз фарзандларига ва қарамоғидаги қариндошларига

харажат қилаётгани, гоҳида одамларга яхшилик қилаётгани, эзгу ишларга қўл ураётганига шоҳид бўласиз. Бироқ, ниятсиз қилгани боис унга бирон савоб ёзилмаслигини ҳам кўрасиз.

Шунингдек, мўминлар ичида ҳам ниятсиз ёки Оллоҳнинг юзини қасд қилмай амал қилган одамлардан ҳам амаллари қабул қилинмайди ва ўзига қайтарилади. (**Ҳақиқий**) мўмин эса инъом қилса ҳам, таъқиқласа ҳам, гапирса ҳам, садақа қилса ҳам Оллоҳ таолонинг юзини қасд қилади. Шу боис мўминнинг сайрида, сафарида ва ишларида қилаётган барча ишлари учун савоб

берилајагини, чунки, у Оллоҳни қасд қилаётганини ҳис этади.

Шуниңг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рафиқанлизни тўйдириш учун олиб келган нарсаларингизни ҳам садақадан ҳисобладилар. Яъни, зиммангизга юкланган нафақани ният билан берсангиз, савоб олаверасиз.

Учинчи асос: Ахлоқнинг вахийдан бўлган далилга боғланиши

Хулқ – Қуръон ва суннатдан бўлган далилга боғланган. Бу, ўта муҳим хусусиятдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга садоқат билан эргашаётган мўминларнинг доимо: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни қилдими? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга буюрдими? Қуръон Каримда бу ҳақда бирон нарса келганми? – дея далил сўраётганларини кўрасиз. Мўмин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашади ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таъқиқлаган нарсалардан узоқ туради. У, ахлоқига одамлар, қабила ва жамиятларнинг одатлари ва истакларини асос қилиб олмайди. Аксинча, ахлоқини Қуръон Карим

ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари далолат қилган нарсага боғлайди. Бу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишдир! Саҳоба разияллоҳу анҳумлар, улардан кейин эса муҳтарам мазҳаббоши имомлар ахлоқлари учун ҳар тарафлама, масалан, волийлик, имомлик ва ҳарбий қўмондонлик каби катта мансаблар, одамларнинг ўз хизматкорлари, фарзандлари ва бошқа кимсаларга нисбатан кичик ишларида бўлсин, доимо хужжат қидирар эдилар.

Бу, ахлоқнинг Иsom динидаги уч асосидир.

Мусулмон ва аҳли суннат имомлари ажралиб турадиган муҳим ахлоқий сифатлар:

Мен, аввало, аҳамиятли бўлгани, иккинчидан жамловчи, учинчидан эса мазкур имомларга ахлоқларида издош бўлишни суйган мўмин ва мусулмонлар муҳтож бўлганлари учун танлаб олганим баъзи сифатларга қисқача урғу бермоқчиман. Унутмайликки, бу ахлоқлар бир-бирларининг ичига киради.

(Биринчи сифат: ростгўйлик)

Ростгўйликка далолат қилган наасслар Куръон ва суннатда жуда

ҳам кўпдир. Оллоҳ таоло Табук жанггидა қатнаша олмаган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга жангдан қайтганларида мунофиқлар қилганидек ёлғон қасам ичиб ўзларини оқламай, **рост гапирган уч кишининг ҳикоясини қуйидаги оятида шундай баён қиласди:**

(وَعَلَى النَّاسَةِ الَّذِينَ خَلُقُوا حَتَّىٰ إِذَا ضَاقَتْ عَلَيْهِمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحِبَتْ وَضَاقَتْ عَلَيْهِمْ أَنفُسُهُمْ وَظَاهَرُوا أَنَّ لَا مُلْجَأً مِنَ اللَّهِ إِلَّا إِلَيْهِ تَأْبِي عَلَيْهِمْ لِيَتُبُوُا إِنَّ اللَّهَ هُوَ التَّوَابُ الرَّحِيمُ)

«Яна ўша уч кишининг (тавбаларини ҳам қабул қилдики), то уларга кенг ер торлик килиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Оллоҳнинг (ғазабидан) факат Ўзига тавба қилиш билангина қутулиш

мумкин эканини билгүнларича (тавбалари) қолдирилган эди (яньни тавба қилишга муваффақ бўлмаган эдилар). Сўнгра (Оллоҳ) тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир». (Тавба: ۱۱۸). Мазкур тавба улар учун нозил бўлган ва улар бу билан муждаланган эдилар. Оллоҳ улардан рози бўлсин ва уларни рози қилсин!

Оллоҳ тавбасини қабул қилгани ва етти қават осмон устидан бу ҳақда оят нозил қилгани боис севинч ичида қолган Каъб ибн Молик разияллоҳу анху: «Ҳаётимнинг

қолган қисмида ёлғонни гапиришга ҳаракат қилмадим. Оллоҳ таолодан Оллоҳга дуч келгунимча шунда устивор туришга мұяссар қилишини тилайман», – деди.

Оллоҳ таоло тавбаларини қабул қилған уч кишининг ҳикоясидан кейин нима деди?! Ундан бевосита кейин:

(بِأَيْمَانِهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَتَقْرَأُوا اللَّهَ وَكُوئْنُوا مَعَ الصَّابِرِينَ)

«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!» – деди. (Тавба: ۱۱۹).

Ростгўйлик, мўминларнинг энг ёрқин сифатларидан биридир. У,

аҳли суннат имомларининг ҳаётида порлаб турган.

Ростгўйлик, нега муҳим сифатлардан биридир? Чунки, **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга:** Мўмин қўрқоқ бўлиши мумкинми? – деб савол берилганида: «Ҳа», – деб жавоб бердилар.

– Мўмин баҳил бўлши мумкинми? – деб савол берилганида: «Ҳа», – деб жавоб бердилар.

– Мўмин ёлғон гапириши мумкинми? – деб савол берилганида эса: «Йўқ!» – деб жавоб берганлар.

Ушбу ҳадис сизга мусулмон
ҳаётидаги ростгўйликнинг
аҳамиятини кўрсатиб беради. У
Роббисига қилаётган ишларида
ростгўй бўлади, ўзини алдамайди.
Роббиси билан танҳо қолганида
махлукотларнинг кўриши,
ҳайратланиши, мақтovi ва оғзига
олишидан воз кечади. Роббиси
билан танҳо қолганида Роббисига
иймонида, ихлосида, амалларида,
гапларида ва барча ҳаракатларида
ростгўй бўлади. Чунки у, гоҳида
махлукотларни алдаши мумкин,
бироқ, Роббисини ҳеч қачон алдай
олмайди. Шу боис, у ўзи ва
бошқалар билан самимий бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машҳур ҳадисларида: «Киши Оллоҳнинг ҳузурида сиддик деб ёзилмагунча ростгўй бўлади ва ростгўй бўлишга интилади», — деганлар. (Имом Муслим, ۷۸۰).

Аҳли суннат ва жамоат имомларида ростгўйлик сифатлари қандай пайдо бўлди? Улар Оллоҳнинг ваҳийсини ўзларидан кейингиларга етказаётган пайтларида Қуръон ҳимояланган бўлсада, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига айрим ёлғонлар кириб келишга улгурган эди. Аҳли сунат ва жамоат имомлари бу мавзуда ўта жиддий фаолиятлар олиб бориб, ривоятни

қабул қилиш учун бошқа шартлар билан бирга, ровийнинг ростгўй бўлишини ҳам асосий меъёрлардан бири қилдилар.

Уларнинг жиддийлиги шу даражага етиб бордики, «Саҳиҳ» ҳадислар девонининг муаллифи Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ олимлардан бирининг олдига қайсиdir бир ҳадисни ривоят қилганини эшитиб боради. Шаҳарга кириб келади, бироқ, олим қайси маҳаллада яшашини билмайди. Кўчалардан бирига кириб отни орқасидан эргаштириб келаётган бир одамга дуч келади. У одам гўё ичида бирон нарса бордек этагини кўтариб олган

эди. У одам уйига етиб келгач отни ушлайди ва этагини ташлайди.

Этагида бирон нарса йўқ эди. **Бу ҳолатни кўрган Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ:** Мен фалончининг ўғли фалончини қидирайпман, – дейди. **Одам:** Унда нима ишингиз бор? – деб сўрайди. **Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ:** Менга унинг фалончидан, унинг эса фалончидан, унинг эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан фалон ва фалон ҳадисларни ривоят қилганининг хабари етиб келди-да! – деб жавоб беради. **Ҳалиги одам:** Ўша одам менман. Менга фалончи фалончидан, у фалончидан, у

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шундай деганини ривоят қилди, – дейди.

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ нима қилганини биласизларми?! У, **бу одамнинг ривоятидан воз кечди ва:**
Агар бу одам ҳайвонга ёлғон гапиришга журъатли бўлса,
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ёлғон гапириб қўйишидан қўрқаман! – деди.

Демак, ростгўйлик, суннатни девон шаклига келтириш ҳаракатига бел боғлаган аҳли суннат имомларининг хусусиятларидан бирига айланган.
Холбуки, ростгўйлик уларнинг

барча ишларидаги сифатлари эди. Оллоҳ уларни раҳматларига буркасин! Шунинг учун ҳам, «қайси каззобни кўрсак, Оллоҳ уни расво қилди!», деган гап кенг тарқалган. Оллоҳ таоло бизларни барча сўз ва ишларда ростгўй бўлишга муваффак айласин!

Иккинчи сифат: Тавозе

Тавозенинг шартлари ва жиҳатлари. Тавозени гоҳида нотўғри тушунилади ва унинг камтарлик ва совуққонлик экани гумон қилинади. Аслида эса бундай эмасдир. Тавозе – ўз зарарингизга бўлсада хақиқатга бўйинсуниш ва итоат этиш,

демакдир. Бундан ташқари, у, ҳақиқатни савияси сиздан кўра камроқ бўлган одамдан ҳам қабул қилиш, шундан кейингина, мулойимлик ва шафқатлиликдир. Шуни яхши билишимиз керакки, тавозенинг ҳам бошқа ахлоқлар каби шартлари бор.

Уларнинг биринчиси – ихлосдир. Яъни, муомалаларингизда Оллоҳ учун самимий бўлишдир. Сиз бу хулқни ҳақингизда фалончи ёки пистончи деб айтилиши учун эмас, аксинча, Оллоҳга самимий бўлиш учун оласиз.

Иккинчи шарт эса, қодирликдир. Чунки, инсон баъзида тавозели бўлишга мажбур бўлади. Аслида эса, унинг тавозе қилар экан, қодир эканини ҳам кўрсатиши шартдир.

Бундан кейин эса, бу тавозе мўминларнинг сулуки ва ахлоқида қуидаги бир неча жиҳатдан кўриниши керак.

Хуллас, **биринчи жиҳат**: буюк ва улкан тавозе. Бу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳнинг Китоби ёки ўз суннатларида олиб келган барча таълимотларга бўйинсуниш. Бу – аҳли суннат ва жамоат

пешволарининг ҳаётида кўринган мўминларнинг ёрқин аломатларидан бириси дидир.

«Қандай адолатли! Қандай яхши!
Қандай фазилатли!» дея мақталсада қалбидаги заррача иймони бўлмаган мутакаббир одамларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бирон ҳадиси етиб келса бўйинсунмайди ва: Пайғамбар буни эски замонларда айтган. Ҳозир эса замонлар ўзгарди, деан гаплар билан қабул қилмайдилар. **Биз уларга шундай деймиз:** Йўқ! Мўминдаги тавозе аломатларидан бири Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати олиб

келган таълимотларни қабул қилишдир. Бу ҳам тавозедир, – деймиз. ([Масалан](#)), [Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам](#): «Пашша бироингизнинг идишига тушса, уни ([ичидаги сув ёки таомга](#)) ботирсин! Чунки унинг бир қанотида касаллик бўлса, иккинчисида даво бордир», – деганлар. ([Имом Аҳмад](#), ۷۳۰۳). Қанча одамлар борки, бу ва бунга ўхшаган ҳадисларни эшитган пайтларида [Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга](#) итоат этмайдилар. Садоқатли мўмин эса, итоат этади. [Фақатгина](#): Бу саҳих ҳадисми? [Расулуллоҳ соллаллоҳу](#)

алайҳи ва салламдан шундай ҳадис
собит бўлганми? Бу ҳақда далил
келганми? – деб сўрайди, холос.
Бундан бошқа пайтларда эса ҳар бир
ишда Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва салламга итоат қилиб,
эътиroz этмайди. Мўмин итоатдан
сўнгра Оллоҳнинг Қуръони ва
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг суннатларида келган
таълимотларга амал қилишни
бошлайди. Ўз ақли, завқи, устози
ёки бошқа бирон кишининг гапи
билан унга қарши чиқмайди. Мана
шу, мўмин ажралиб турадиган
тавозедир. Мутакаббирнинг эса ўз
ақли ва зеҳни билан Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламдан
нақл қилинган ҳадисни рад этишга
ҳаракат қилаётганини кўрасиз.
Бундай пайтда тавозе қаерда
қолади?! (*Ҳа*), бу икки одам
ўртасида катта фарқ бор.

Тавозенинг иккинчи тарафи ҳам
бўлиб, у – мусулмоннинг мусулмон
биродарига тавозесидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
саллам: «Мусулмон –
мусулмоннинг биродаридир: унга
зулм қилмас, уни таҳқирламас ва
кўмаксиз ташлаб қўймас ...», –
деганлар. (Имом Аҳмад, ʌv·ʌ).

Демак, мўминнинг мўмин
биродарига тавозеси бўлиши керак.

Тавозенинг учинчи тарафи эса,
ҳақиқатни кимдан келса ҳам қабул
қилиш.

Бу – ўта муҳимдир. Агар Ислом
уламолари раҳимаҳумуллоҳларнинг
ҳаётига нигоҳ ташласак, уларнинг
ҳақиқатни кимдан келишидан
қатъий назар қабул қилганига
шоҳид бўламиз. Ўзимизнинг
буғунги ҳолимизга нигоҳ ташласак,
ката фарқни кўрамиз. Ла ҳавла ва ла
қуввата илла биллаҳ!

Ҳозирги кундаги одамлар ҳақиқат ўз
тоифаси (**тарафдорлари**)дан ёки ўз

қариндошларидан ёхуд ўз
қабиладошидан ёда ўз
амакиваччасидан келсагина қабул
қиласи. Буларнинг барчаси
тавозенинг зиддидир. Мўмин, ким
олиб келган бўлса ҳам, ҳақиқатни
қабул қиласи. Биродарингиз
ҳақиқатни далили билан олиб
келдими, унга бўйинсунинг! Бу –
ахли суннат ва жамоат
имомларининг хислати,
ҳаётларидағи амалий татбиклари ва
ахлоқий сулукларида ажралиб
туришадиган хулқлари эди.

Тавозенинг тўртинчи тарафи, сизга
нисбатан хато иш қилиб қўйса,

биродарингиздан узрини қабул қилиш.

Дўстингиз сизга зид ишни қилиб қўйса, унинг узрини қабул қилинг. Зеро, ўз дўстига ўзига яхши кўрган нарсасини суйған одам, ўзи учунгина хато қилган пайтида дўсти учун узрни қидиради. Аммо хатоси умматга таъсир қилса, ҳақиқатни далили билан баён қилади ва бунинг зарари йўқдир. Уламолар – Оллоҳ уларни раҳмат қилсин! – бир-бирлари билан мубоҳаса қилишар, илмий мавзуларда раддия беришар, бироқ, бидъат ёки шунга ўхшаш гуноҳ иш бўлмаса, бир-бирларидан

(гина ва адоват қилиб) узоклашмас
Эдилар.

Уичи сифат: Сўзни ишга боғлаш

Яъни, айтилган гапнинг қилинган
ишга мувофиқлиги ва Оллоҳ таоло
қуидаги оятида айтган
кимсалардан бўлмаслиkdir:

(بِاَنْيَهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَمْ تَقُولُونَ مَا لَا تَعْلَمُونَ)

«Эй мўминлар, нега қилмайдиган
ишларингизни тилга оласизлар!»
(Сафф: ۲).

Сиз иймонли салафларнинг
тариҳларига назар солар экансиз,
уларнинг сўзларини ишларига

боғлаганини кўрасиз. Улар бир гапни айтишса, унга амал қилишган, ишлари гапларига зид бўлмаган. Оллоҳ уларни раҳмат қилсин! Бу ҳам ахлоқ бобидаги муҳим хислатлардан биридир. Бу бирон муайян хулқ, бирон муайян сифатга хос эмас. Аксинча, мўмин ахлоқидаги умумий кўриниш бўлиб, унинг ишлари гапларига зид бўлмайди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ ривоят қилган сахих ҳадисда келганидек, **шундай деганлар:** «Ҳар бир пайғамбарнинг амрларига итоат этиб, суннатларига

ҳидоятланган ёрдамчилари ва йўлдошлари бўлган. Сўнгра, бундан кейин қилмайдиган нарсасини гапирадиган ва буюрилмаган ишларни қиласиган раҳбарлар келадилар». (Имом Муслим, ۱۸۸).

Бошқа бир ҳадисда эса шундай дейилган: «... Сўнгра улардан кейин бир авлодлар келадики, қилмайдиган нарсаларини гапирадилар ва буюрилмаган ишларни қиласилар».

Демак, ишларининг гапларига монандлиги мўминларнинг хислатидандир. Биз бунинг бошқаларга қандай катта таъсир кўрсатишини жуда яхши биламиз.

Иши гапига монанд бўлмаган ва бу хулқقا эга бўлмаган одамнинг эътибори йўқдир.

Тўртинчи сифат: Адолат

Адолатли бўлишни Қуръон Карим гоҳида «адолат», гоҳида «тарози», гоҳида «тengлик» (қист) номлари билан олиб келди. Буларнинг барчаси адолатнинг муҳим эканини билдириш учун эди. Бу сифат Ислом аҳлининг барчасида очиқ намоён бўлган. Оллоҳ уларга раҳматини ёғдирсин! Барча ишларида адолатли бўлган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу, бошқа барча хулафойи рошидин разияллоҳу анҳумлар,

Умар ибн Абдулазиз разияллоҳу анҳу ва аҳли суннат имомларининг адолати ҳаммага маълум. Сиз уларда бу сифатнинг барча ҳолатларида, ҳатто, энг яқин кишиларнинг зарарига бўлса ҳам кўринганига шоҳид бўласиз.

Масалан, дўстлик ва душманлик бобида одил бўлишган. Биз эса, дўстлик ва душманлик бобида беқарор бўлганимиз учун адолатли бўла олмаяпмиз. (**Тўғри**), биз ҳам Оллоҳ йўлида яхши кўриб, Оллоҳ йўлида ёмон ҳам кўраяпмиз. Бирок, қариндошларимиз, амакиваччаларимиз ва фарзандларимизга нисбатан туйғу

ва шафқатларимиз устун келмоқда. Натижада, дўстликка лойиқ бўлмаганларни дўст, дўстликка лойиқ бўлганларини эса душман деб кўрмоқдамиз. Қанча одамлар борки, уларнинг бирон ракаат ҳам намоз ўқимайдиган қариндошларига зиёфат уюширишаётганлари, жонликлар сўяётганлари, келсалар кутиб олишаётганлари ва ҳурмат қилишаётганларини кўрасиз. Шу тўғрими?! Дўстлик ва душманлик қаерда қолди?! Сиз бу одамнинг вазиятларга қараб иш қилаётганини кўрасиз. Вазиятлар, у қилаётган муомаланинг меъёридир. Мен буни мисол ўлароқ келтирдим, холос.

Чунки, ишлардаги адолат кўп бўлиб, халқ билан муомала қилиш, инфоқ қилиш ва бошқа ишларда ҳам бўлиши керак. Шу боис аҳли суннат ва жамоатнинг кўплаб имомларининг адолатнинг ҳаққини бера олмасликдан қўрқиб Оллоҳдан паноҳ тилаганлари ва қозилик мансабидан йироқ турганларини кўрасиз. Ҳолбуки, одил қози ва одил раҳбар бўлган мўминлар имконлари қадар Оллоҳдан қўрқсалар, Оллоҳ таоло уларни кўпайган савоблардан маҳрум қилмайди. Шуни ҳам яхши билишимиз керакки, адолатнинг маъноси барча ишлардаги тенглик дегани эмас. Балки, ҳар бир ҳақ

Эгасига ҳаққини бериш ҳам адолатдир. Ҳолбуки, [Оллоҳ](#) таоло [Оллоҳ](#) йўлида курашаётганларни курашмаётганлардан устун қилди ва айтди:

(لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولَى الضرَرِ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يَأْمُوِّلُهُمْ
وَأَنفُسِهِمْ فَضْلَ اللَّهِ الْمُجَاهِدِينَ يَأْمُوِّلُهُمْ وَأَنفُسِهِمْ عَلَى الْقَاعِدِينَ دَرَجَةً وَكُلًاً وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى)

«Мўминлардан ўзлари бешикаст бўлиб туриб ([жиходга чиқмай](#)) ўтириб олган кишилар билан [Оллоҳ](#) йўлида мол ва жонлари ила курашган зотлар баробар бўлмайди. [Оллоҳ](#) молу жонлари билан курашган зотларни ([бирон узр сабабли жиходга чиқмай](#)) ўтириб олган кишилардан ҳам бир даража афзал қилди ва барчаларига гўзал

оқибатни (яъни жаннатни) ваъда қилди». (Нисо: ۹۰).

Шунинг учун ҳам, сиз, дўстлик ва душманликда, Оллоҳга яқинроқ ва Оллоҳдан қўрқувчироқ бўлган мўминга нисбатан Оллоҳ йўлидаги муҳаббат ва дўстикни кучайтирасиз. Оллоҳдан узоқ ва тақвоси оз бўлган одамга эса, сиздаги дўстлик ва муҳаббат оз бўлиши керак.

Бешинчи сифат: Ҳаё

Ҳаёни нотўғри тушунилса, тавозега ўхшаб кетади. Чунки, айrim одамлар мункар нарсани кўргач уни қайтаришдан ҳижолат бўлишни ёки ҳақ сўзни айтиш керак бўлган

пайтда айта олмасликни ҳаё деб тушунишади. Бу ҳаё эмас, аксинча, хорликдир.

Ҳаё – гуноҳ ва гуноҳга ўхшаш қабих нарсалардан воз кечишга ундейдиган хулқдир. Шунинг учун, ҳаммамиз билганимиздек,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам машҳур

ҳадисларида: «Одамларнинг биринчи пайғамбарлик сўзидан ўргангандари: Уялмасанг, хоҳлаган ишингни

қилавер!, (жумласи)эди». (Имом Аҳмад, ۱۷۲۲۶), иймон тармоқлари ҳақидаги ҳадисда эса: «Ҳаё ҳам иймон тармоқларидан

биридир», деганлар. (Имом Бухорий, ۹).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Термизий, Имом Аҳмад ва Ҳоким раҳима- ҳумуллоҳлар ривоят қилған ҳасан ҳадисда шундай дейилган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳдан лойиқ бўлганидек ҳаё қилинглар!» – дедилар. Саҳобалар: Алҳамдулилаҳ, биз Оллоҳдан ҳаё қиласяпмиз! – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен уни назарда тутмадим. Аксинча, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек ҳаё қилиш – бошни тушунган ва

қоринни ичига олган нарсасидан мухофаза қилиш, ўлим ва чиришни эслашдир. Охиратни истаган одам, дунё ҳаётининг зийнатларидан воз кечади. Ким шундай қилса «Оллоҳдан лойик бўлганидек ҳаё қилган бўлади», – дедилар. (Термизий, ۴۵۰۸). Ҳатто, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёни қуидаги сўзлари билан айириб бердилар: «Ҳар бир диннинг ахлоқи бордир ва Исломнинг хулқи – ҳаёдир». Бу ҳадиснинг санади ҳасан бўлиб, уни Ибн Можа (۴۱۸۱), Табароний (۱۳) ва бошқалар ривоят қилишган. Яна, Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг

«Саҳиҳ» ҳадислар девонида (۷۱۱۸)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг: «Ҳаё – яхшиликнигина
олиб келади» ҳадиси бор.

Демак, ҳаё – ҳаёли инсонни гуноҳ
ва ҳаром ишларни қилишига
монеълик қиласиган хулқ ва
сифатдир. [Шунинг учун ҳам](#)
[шоирнинг қуидаги байтларни](#)
[айтганига шоҳид бўламиз:](#)

Талайгина қабоҳатдан воз
кечгандим мутлақо,

Бунга даво бўлган эди, ичимдаги бу
ҳаё!

Агар ҳаё кетса, даво ҳам кетади. Шуни яхши билиш керакки, инсон хулқига айланган ва қабоҳатлардан воз кечтирадиган ҳаё, ҳақ сўзни баралла айтишдан тўсмаслиги керак. Шунингдек, ҳаё инсонни илм излашдан ҳам тўсмаслиги керак. Зеро Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ» ҳадислар девонига илова ўлароқ Мужоҳид раҳимаҳуллоҳнинг: «Илмни уятчан ва мутакаббир кимсалар ўргана олишмайди», осорини келтирган.

Уятчан одам бирон масала ёки муаммога дуч келса, у ҳақда сўрашдан уялади ва уятчанлиги илмий масалаларни ўрганишига ғов

бўлиб, бирон нарсани ўргана
олмайди.

Мутакаббир эса савол беришдан
кеккаяди ва кибри билим олишига
ғов бўлади.

Ушбу ҳаё сифати Усмон ибн Аффон
разияллоҳу анҳу каби айрим
одамларда очик суратда кўринади.
У, уятчанлиги билан машҳур эди.

**Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи ва саллам** Усмон разияллоҳу
анҳу кирган пайтларида сонларини
ёпдилар ва: Абу Бакр ва Умар
кирганида сонингизни ёпмай, **Усмон**
кирганида нега ёпдингиз? – деб
савол берилганида: «Фаришталар

хаё қилган одамдан уялмайми?!» – деб жавоб берган эдилар. (Имом Бухорий, ٦٣٦٢). Оллоҳ улардан рози бўлсин!

Олтинчи сифат: Жасорат

Одамзот Уммат учун эзгуликларни рўёбга чиқариш асносида турли хатарларга дуч келади. Жасорат қўйидаги нарсаларда намоён бўлади:

Оллоҳ йўлидаги жиҳод. Оллоҳ йўлида жонни фидо қилдираётган нарса, жасоратдир. Чунки, банда жиҳодда ўз жонини Оллоҳ учун фидо қиласди. Жасурлик сифати бўлгани боис ҳам, мужоҳидлар

устивор турадилар ва жанг
майдонидан қочмайдилар.

Ҳақ гапни айтиш ҳам, жасурликдир.
Маломат ва озорланишга олиб
борсада, ҳақ гапни айтиш,
амримаъруф ва наҳиймункар қилиш
ҳам, жасурликдир. Шунинг учун
ҳам, **Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи
ва саллам:** «Энг афзал жиҳод –
золим султон ҳузурида ҳақ сўзни
айтишдир!» деган бўлсалар (Ином
Аҳмад, ۱۱۱۶۰), **шахидларнинг**
хабарини тилга олар
эканлар: «Золим султон ҳузурида
ҳақ сўзни айтган ва султон қатл
қилган одам (**шахиддир**)», –
деганлар.

Инсоннинг ўз хатоларига мурожаат этиши ҳам, жасурликдир. Чунки, хато қилган одамнинг тасаввурида ўз хатосини эътироф этиш кўрқоқлик ҳисобланади. **Агар у жасур бўлса эди:** Ҳа, мен бу масалада хато қилдим. Аслида, фалончи ва пистончи ҳақли эди, – дер ва ҳақиқатни айтиб берган бўлар эди. Катта имомларнинг ҳаёти бундай ўrnакларга бойдир. Сиз уларнинг қавллари ва фатволарига боқинг, ҳақиқатга қандай қайтганларига шоҳид бўласиз.

Булар, мукаммал бўлса бизда исломий ахлоқ ва исломий сулукни вужудга келтирадиган ва эгасини

гапирса ёки ёзса ёхуд бирон ишни қилса ўрнак маёқ қилиб қўядиган очик сифатлардир. Чунки унинг ахлоқи ва сулуки Оллоҳнинг Китоби ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган таълимотлар билан шаклланган бўлади.

Мўминнинг сулуки ва ахлоқидаги ижобий аломатлар

Мўмин, ахлоқи билан айрилиб турадиган айрим аломатлар бор. Ўша аломатлардан бири – ижобийликдир.

Мўмин сулукидаги ижобийлик, уни бошқалар учун манфаатни суюшга

ундайди ва у манфаатларни ўзи учунгина ўйлайдиган худбин бўлмайди. Аксинча, унинг барчага яхшиликни илинаётганига шоҳид бўласиз. Бу ахлоқ ижобийлигининг биринчи аломатидир.

Ундаги ёрқин аломатлардан яна бири, унинг одамларга қулайлик яратишга интилишини кўришингиздир. Бу ҳам мўминнинг хулқидаги ижобийликлардан биридир. Бу, одамларга қулайлик яратиш мақсадида мўминнинг ҳақиқатдан тажовуз қилиб ўтиб кетганини ифодаламайди. Чунки бундай қилиш, Ислом динидаги Оллоҳ рози бўлмаган беҳудаликдир.

Холбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ишни бажариш ихтиёри берилса, улардан **енгилроғини танлар** ва: «**Осонлаштирглар ва қийинлаштирглар!**» – дер Эдилар. (**Имом Бухорий, ۷۹**). Шу боис Ислом динининг Фиқҳ усулларида доимо қийин тарафни мақсад қилинмаганини кўрасиз. Айрим одамлар эса бу ишда хато қиласидилар ва бу билан, «**Машаққатли ишларни қилишда савоб кўп!**» деган жумла ўртасини бирлаштиromoқчи бўладилар. Холбуки, айрим ибодат ва ишлар борки, савоблар бериладиган

қийинчиликлар билан амалга ошади. Бирок, Ислом дини мاشаққатни биринчи мақсад қилиб олмайды. Масалан, сиз шаҳарнинг бирон ноҳиясидаги биродарингизни зиёрат қилмоқчи бўлсангиз, **Ислом дини сизга:** Аввал жануб тарафга кетинг, сўнgra, шаҳарни бир айланиб чиқинг ва машаққат чеккан бир соатдан кейингина биродарингизнинг уйига боринг! – демайди. Аксинча, унинг олдига бориш учун осон йўлларни танлайсиз. Ислом ёки шариат чорлаган ибодатларда ўзига хос мاشаққат борлиги аён. Шундай бўлсада, мўмининг ахлоқи одамлар

билин қилаётган муомалаларига ҳам таъсир кўрсатаётганни кўрасиз.

Масалан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уятсиз ёки ҳаёсиз гапларни гапирадиган шахс бўлмаганлар. Биродарлар муомаласида шириңсуханлик, боадаблик ва гўзал муомаланинг катта таъсири бор ва у инсонга осонлик ва тезлик билан таъсирини ўтказади.

Сулукнинг ижобий аломатларидан яна бири шуки, исломий ахлоқлар мўминда кучайиб, ўзаро мутаносиблашади, ҳатто, унинг табиатига айланиб, ўзгармас устивор хулқи бўлиб қолади. [Шу](#)

боис тўғрилик билан тарбияланган одам ростгўйга айланади ва ҳатто унга тааллукли нарсалар ҳикоя қилинса: Фалончи бундай дейиши мумкин эмас? Чунки, у – ростгўй одам! – дейилади. Ростгўйлик унинг очиқ аломатлардан бири бўлиб қолади. Абу Бакр разияллоҳу анҳу «Сиддик» лақабини олган эди. Чунки, **биров келиб**: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фалон ва фалон ишларни қилди, – деса, **у нима дейишини кутар эдингиз?** Унинг жавоби аниқ эди: у доимо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни тасдиқлар эди. Бошқа исломий ахлоқлар ҳам шахс

ажралиб турадиган доимий сулукка айланиб қолади. Бу, ҳаммага аёндир. Кейин, мўминнинг сулуки бир-бирини таомиллаштирган сулук бўлиб, бири иккинчисига тажовуз қилмайди. Бу, муҳим сифатдир. **(Масалан)**, бир мўминда жасурлик, тавозе, уятчанлик, ҳақиқатни айтишга жасорат ва мўмин биродари учун хокисорликни кўрасиз. Булар бир-бирини тўлдирадиган хулқлардир. Ахлоқдаги мутакомиллик одамни Оллоҳ йўлига хулқи билан даъват қиласидиган даъватчига айлантиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломга ҳануз Ислом динини

қабул қилмаган пайтида дуч келган ва сўнгра мусулмон бўлган сахоба (Абдуллоҳ ибн Салом разияллоҳу анҳу): «Унинг юзига қараб, юзи каззобникига ўхшамаганини кўрдим», – деган. Демак, мўминдаги бу аломат мазкур сифатлар билан сифатлансангина намоён бўлади. Бундан ташқари Оллоҳ йўлидаги муҳаббат ва нафрат сон-саноқсиз ахлоқларда, жумладан, мусулмоннинг фидоийлиги, салом бериши, юзларига табассум қилиши, яхшилик ва ёмонликда ўртача муомала қилишида намоён бўлади.

Мен, Оллоҳ йўлидаги муҳаббат ва нафрат мавзуусида муболаға

қилмаслик ҳақида бир оз тўхтамоқчиман. Чунки бу ҳақда (муҳаддис Носируддин Албоний раҳимаҳуллоҳнинг) «Саҳихул-Жомеъиис-Сағиyr» китобида (۱۷۸) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Дўстингизни меъёрида суюнгизки, бир кун келиб душманингизга айланиши мумкин. Душманингизга меъёрида нафрат қилингки, бир кун келиб дўстингизга айланиши мумкин», ҳадиси нақл қилинган. Бу – меъёрдир. Бироқ, айрим одамлар борки, мўмин биродарларини сўйса ҳам, улардан нафратланса ҳам, меъёрдан ошириб юборади. Сиз

ундай қилманг! Мўътадил бўлинг!
Мўътадиллик эса сизнинг мўмин
биродарингиз ҳақидаги
фикрингиздаги мувозанатдан келиб
чиқади. Сиз мўмин биродарингизга
ҳар томонлама назар солинг: унда
фалон ва пистон яхши хулқларни
кўрганингиз боис уни суюнг ва
фалон ва пистон фазилатсиз
хулқларни кўрсанингиз боис уни
ёмон кўринг! Чунки, айрим одамлар
борки, одамдаги битта ёмон хулқни
кўриб, уни бутунлай бадхулқдек
ёмон кўришади. Бунинг акси¹
ўлароқ, бир фосиқ ва гуноҳ ишлар
билан мудом шуғулланадиган
одамларда биттагина яхши хулқни

кўради ва ўша хулқи сабабли уни
суюб, фисқи, фасоди ва бошқа
салбий томонларини унутади... Бу
ишларда шаръий мутаносиблиқ
шартдир. Чунки бу, [дўстлик ва](#)
[душманлик қоидасидир](#): мўминни
иймонига кўра сужиз, қилаётган
гуноҳига кўра ундан нафрат этасиз.

Шубҳасиз, хулқи исломий
бўлишини хоҳлаган одам нафсига
қарши баъзи ишлар билан
курашиши керак. Илк ўларок эса,
ilm ўрганиши керак. Гапириш ва
амал қилишдан илгари илм
дарвозаси бордир. У Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг
ахлоқи, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва саллам буюрган ишлар нима эканини ўрганиши ва уларни ўрганиб, ҳаётига татбиқ қилиши керак.. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга әргашиш, амал қилиш ва ахлоқни шакллашда нафси билан курашади. Мўмин шуни яхши билсинки, одамзот исломий ахлоққа бурканар экан Оллоҳ таоло унга тавфиқ бериб, унинг амалларини қабул қиласди.

Оллоҳ таолодан бизларни фазилатли ахлоқларга бурканган, уни маҳкам ушлаган ва бу билан Оллоҳ таолони қасд қилган мўминлар қаторида

қилишини ҳамда ёмон ахлоқлардан
асрашини тилайман!

Оллоҳим, бизларни гапларимиз,
ҳаракат- ларимиз ва барча
ишларимизда Ўзинг суйган ва рози
бўлган нарсаларгагина муваффақ
қил! Оллоҳим, Сенга сўз ва амаллар
фитнасидан сиғинаман!

Оллоҳу аълам.